



XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чика бошлаган. e-mail: xasr@ozli.de, web sayt: www.2tasr.uz

2013 йил 19 декабрь, пайшанба, 51 (527)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Ёшлар ишончини оқлайди

4 ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА



Тарғибот талаб даражасида эмас

5 ҚҲЙИ БҲҒИН



Озиқ-овқат хавфсизлиги

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

14 январь — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КҲНИ

АСКАРЛАР ҲУЗУРИДА

Самарқандда Марказий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар билан учрашув бўлиб ўтди. Мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги олдидан уюштирилган тadbирда Самарқанд тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари, иқтидорли талаба-ёшлар иштирок этиди. Учрашувда Президентимиз раҳнамолигида профессионал миллий армиямизни шакллантириш ва унинг куч-қудратини ошириш борасида изчил ислохотлар амалга ошириляётгани самарасида ихчам ва тез ҳаракатланувчи, замонавий ҳарбий техника ва қурол-ярроғ билан таъминланган Қуролли Кучларимиз шаклланиши таъкидланди. Ҳарбий хизматчилар ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган фуқаролар давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, улар учун қўллаб-имтиёз ва имкониятлар яратилаётгани қайд этилди. — Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилиш ҳар бир фуқаро учун энг катта орзу, шон-шараф ишига айланган, — дейди Самарқанд тиббиёт институти профессори Юсуф Ҳалимбетов. — Фарзандларимиз болалигидан ҳарбийликка иштиёқ билан ўсаяпти. Институтимизда ҳам муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм кўмондонлиги тавсияси асосида имтиёзли балларни қўлга киритиб, ўқиниш қабул қилинган бир неча талаба тахсил олади. Уларга бошқа ёшлар ҳавас билан қарайди, ирода, ўз ишига масъулият билан ёндашишни ўрганади. Тadbир иштирокчилари ҳарбий қисмда яратилган шароитлар билан танишди, ўқув-амалий машғулотларни кузатди. Бундай тadbирлар бошқа ҳарбий қисм ва татлий муассасаларида ҳам ўтказилмоқда.

(ЎЗА)

Олий бахт

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида барча соҳаларда эришилаётган улкан ютуқ ва марралар, ҳаётимизнинг ободли-

рида йиққан-терганимизни «марказ»га топшириб, ўзимиз бировларнинг қўлига қараб қолганимиз, шаънимизга турли бўғто-

Мустақилликнинг ўтган даврига назар ташласак, ким эдигу, ким бўлди, деган фикр хаёлимиздан кечиши табиий. Собик мустабид тузум даврида йиққан-терганимизни «марказ»га топшириб, ўзимиз бировларнинг қўлига қараб қолганимиз, шаънимизга турли бўғтону тўхматлар ёғилгани, қадримизу қаддимизнинг букилгани ҳали бери эсимиздан чиқмайди.

ги, турмушимиз фаровонлиги, аввало, Ватанимиз мустақиллиги, Бош қомусимизда белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларимиз тўла таъминланаётгани тўғрисида.

Бугун мустақилликнинг ўтган даврига назар ташласак, ким эдигу, ким бўлди, деган фикр хаёлимиздан кечиши табиий. Собик мустабид тузум дав-

ну тўхматлар ёғилгани, қадримизу қаддимизнинг букилгани ҳали бери эсимиздан чиқмайди.

Ўзимдан қийс: ёзнинг жазирамасию қишнинг соғувига ҳам елкамиздан кетмон тушмасди. Қаллаи саласак, ким эдигу, ким бўлди, деган фикр хаёлимиздан кечиши табиий. Собик мустабид тузум дав-

2 >>>

Наманганда фермерлик тобора ривожланмоқда

— Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш борасида амалга ошириляётган ислохотлар, соҳаси қўллаб-қувватлашга қаратилган юксак эътибор Наманганда ҳам салмоқли натижалар бермоқда, — дейди вилоят Фермерлар кенгаши раиси, О'zLiDeP аъзоси Саидолим Султонов

— Айниқса, Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари асосида яратиб берилган имтиёз ва имкониятлар туфайли аграр соҳада ҳам мулкка эгаллик туйғуси шаклланди. Бугун вилоятда 5885 та фермер хўжалиги бўлиб, уларнинг 2686 таси пахта ва ғаллачилик, 1164 таси боғ ва узумчилик, 109 таси сабзавот ва поливчилик, 230 таси чорвачилик, қолган 1696 таси бошқа йўналишларда иш олиб борапти. Пахтадан 40 центнердан ҳосил олаётган хўжаликлар сони 141 тани, ғаллачиликда 80 центнердан ортиқ хирмон кўтараятган фермерлар эса 45 нафарни ташкил этди.

4 >>>

БУГУНГИ СОНДА:

Кейинги ўн йил давомида ушбу йўналишни кредитлаш ҳажми 32 баробардан кўпроққа ошди. Бошқача айтганда, 1 трлн. 900 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида эса тadbirkор аёлларга 587 млн. сўм молиявий кўмак берилди.

6 >>>



Солмақ ЗОИР олган сурат

Жаҳон бозори сари ташланаётган дадил қадамлар

Мустақилликнинг дастлабки давлари мамлакатимизда экспорт-импорт юкларини ташин асосан шимолий ҳудудлардаги 2-3 та транспорт йўлаги орқали амалга оширилган бўлса, бугунга келиб ташқи савдо юклари 10 га яқин янги йўналишда жаҳон бозорига чиқарилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг транспорт-

коммуникация тизимини ривожлантириш истиқболларига бағишланган навбатдаги семинарида ана шу жараё-

нларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

2 >>>

ЭФИРДА ЯНГИ — «OILAVIY» ВА «DIYOR» ТЕЛЕКАНАЛЛАРИ

Ўзбекистон Миллий телерадиоканаллари жорий йилнинг 16 декабридан яна иккита рақамли телеканални ишга туширди. Хусусан, «Oilaviy» номли телеканал «O'zbekiston» радиоканали ижодий базасида ташкил этилиб, мақсуд қилинган тарихий бағишланган дастурларни томошабинларга тақдим этишни мақсад қилган. Ҳозирча тест-синов тариқасида эфирга узатиляётган янги каналларнинг иккинчиси — «Diyor» канали «Madaniyat va ta'rifat» телеканални ижодий базасида ташкил этилган бўлса-да, унинг кўрсатувлар дастури ўн иккита ҳудудий телерадиоканал теледастурлари асосида шакллантирилади. «Diyor» ижодий жамоаси асосий эътиборни юртимиз шаҳар ва қишлоқлари ҳаёти, тарихи, қадамжолари, маҳаллий аҳолининг урф-одатлари тўғрисида махсус телекўрсатувлар тайёрлашга қаратишни режалаштирган.

Паркент мисолида қайта ишлаш ва экспорт имкониятлари таҳлил этилди

О'zLiDeP Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан ҳамкорликда Паркент туманида кичик бизнес ва хусусий тadbirkорлик субъектлари ҳамда кўп тармоқли фермер хўжаликлариди қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспортини янада кенгайтириш масалаларига бағишланган амалий мулоқот ташкил этди



Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция раҳбари Бахтиёр Якубов сўзга чиқиб, Юртбошимиз раҳнамолигида амалга ошириляётган кенг қўла-

ли ислохотлар, аграр соҳа вакиллари учун яратилган шарт-шароитлар қишлоқ мулкдорлари қўлга киритаётган салмоқли ютуқларга асос бўлаётганини қайд этди.

2 >>>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 17 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун ҳорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мақсуд валюталарини ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

1 Австралия доллари	▲ 1969,38
1 Англия фунт стерлинги	▲ 3586,77
1 Дания кронаси	▲ 405,70
1 БАА дирҳами	▲ 599,11

1 АКШ доллари	▲ 2199,93
1 Миср фунти	▲ 319,45
1 Исландия кронаси	▲ 18,84
1 Канада доллари	▲ 2079,13

1 Хитой юани	▲ 362,32
1 Малайзия рингити	▲ 680,46
1 Польша злотиси	▲ 724,50
1 СДР	▲ 3383,21

1 Туркия лираси	▼ 1079,35
1 Швейцария франки	▲ 2477,12
1 ЕВРО	▲ 3027,41
10 Жанубий Корея вони	▲ 20,91

10 Япония иенаси	▲ 214,02
1 Россия рубли	▲ 66,94
1 Украина гривнаси	▲ 275,23

Ушбу транспорт йўлаги
Марказий Осиё мамлакатларини Форс кўрфази билан боғловчи энг кулай йўл саналади.

Фермерларнинг яратиб
берилган имконият ва имтиёزلардан беҳабарлиги ҳам бу борада тўсиқлар яратаяпти.

МУНОСАБАТ

Жаҳон бозори сари ташланаётган дадил қадамлар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ўз мухбиримиз

Тадбирда кейинги ўн йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 7-9 фоиз, экспорт ҳажми ўртача 15 фоизни ташкил этаётгани таъкидланиб, бунга sanoat тармоқлари инфратузилмаси тубдан модернизация қилингани натижасида автомобилсозлик, электротехника, газ-кимё, фармацевтика, машинасозлик, тўқимачилик, мебель ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳалари жадал ривожлангани сабаб бўлаётганига эътибор қаратилади. Бундай изчил ўсиш ва ривожланиш жараёнлари эса ўз-ўзидан маҳаллий транспорт-коммуникация тизимининг транзит салоҳиятини янада оширишни талаб этаётди.

— Кейинги йилларда бу борада кенг кўламли ишлар олиб борилиб, республиканинг халқаро транзит йўлақлари интеграциясини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ мақсадли чоралар кўрилади, — деди семинарда кўмита раиси, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Собир Жабборов. — Натижада экспорт-импорт юқларининг 50 фоиздан ортиги аънавий ташувларга нисбатан қўлай ва иқтисодий нуқтан назардан манфаатли бўлган муқобил йўлақлар орқали ташилмоқда. Семинар иштирокчилари мамлакатимизда янги автомобиль ва темир йўллари қуриш, мавжуд транзит йўналишларини халқаро стандартларга мос равишда реконструкция қилиш, халқаро логистика марказлари ва терминалларни барпо этиш, аэропортларни модернизациялаш бўйича бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади. Жумладан, «Навоий-Учкудук-Султонву-вайстог-Нукус» ва «Тошгузор-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўллари қуриш лойиҳалари Ўзбекистоннинг жанубий, шимолий ва марказий ҳудудлари ўртасида узлуксиз темирйўл алоқасини таъминлабгина қолмай, мазкур ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида ҳам муҳим омил бўлаётди. Уз навбатида, мазкур темир йўллар транзит салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшапти. Охириги беш йил давомида фақатгина Афғонистонга транзит ташилаётган юк ҳажми йилга 20 фоизга ўсганига бунга мисол бўлиши мумкин.

— Айни пайтда автомобиль йўллари инфратузилмаси босқичма-босқич ривожланмоқда, — дейди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Зоиров. — Ҳозир Ўзбекистон автомобиль йўллари умуий узунлиги 183 миң километрни ташкил қилади. Айтмоқчиманки, ташқи ташувларнинг 10 фоизи, республикадаги ички ташувларнинг қарийб 88

фоизи автомобиль транспорти улушига тўғри келмоқда.

Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрдаги «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Ўзбек миллий автомагистрალი таркибига кирувчи халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари қуриш ҳамда реконструкция қилиш дастури»га мувофиқ жами 2306 километр автомобиль йўллари қуриш кўзда тутилган. Шундан 474 километри цемент-бетонли, 1832 километри асфальт-бетонли қопламали йўллар, 1910 погонаметрлик кўприклар ва йўл ўтказгичлар, 7 та транспорт ечимидан иборат.

Илмий-амалий семинар қатнашчилари «Навоий» халқаро интермодал логистика маркази, «Ангрен» логистика маркази, шунингдек, пойтахтимизнинг Сергели туманида «Тошкент» логистика марказини барпо қилиш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар мамлакатимизнинг транзит имкониятларидан тўлақонли фойдаланишда муҳим ўрин тутганини алоҳида таъкидлади. Ҳозир Навоий халқаро аэропорти орқали Милан, Брюссель, Шанхай, Дехли, Мумбаи, Бангкок, Франкфурт, Дакка, Истамбул йўналишларида юк ташувлари амалга оширилаётгани, яқин келажақда Дубай, Москва, Алмати йўналишларида ҳам ташувларни ташкил этиш режалаштирилгани шундай хулоса чиқаришга асос бўлади.

O'zLiDeP фракцияси аъзоси Бахриддин Беғжановнинг фикрича, мамлакатимиз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, транспорт йўлақларини ривожлантириш масалалари хусусида гап борар экан, Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон-Уммон-Қатар ва Форс кўрфазининг бошқа мамлакатлари орқали ўтадиган транспорт йўлагини ташкил этиш бўйича халқаро битим тузиш ташаббусига алоҳида тўхталиш жоиз. Зеро, ушбу транспорт йўлаги Марказий Осиё мамлакатларини Форс кўрфази билан боғловчи энг кулай йўл саналади.

Семинар иштирокчилари Ўзбекистоннинг муҳим денгиз портлари ва йирик жаҳон бозорларига чиқишини таъминлаш мақсадида транспорт-коммуникация тизимини янада ривожлантириш, ундан тўлақонли фойдаланиш, транспорт хизматлари ҳамжи ўсишининг барқарорлигини сақлаш борасида фикр-мулоҳазалар билдириб, транзит соҳасининг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш бўйича амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан аниқ тақлифларни баён этишди.

Паркент мисолида қайта ишлаш ва экспорт имкониятлари таҳлил этилди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Зиёдулла МҮМИНОВ,
«XXI asr»

— Аммо бутун дунёда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи долзарб аҳамият касб этаётган бир пайтда кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни изчил кўпайтириш, ҳудудларнинг ўзида қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириш энг мақбул йўл эканини, бу ишлаб чиқарувчилар даромадини янада оширишга хизмат қилишини кўрсатапти, — деди Б.Якубов. — Тадбиркор ва фермерлар манфаатини ҳимоя қилаётган сиёсий куч сифатида ҳамда Фермерлар кенгаши билан тузилган бош битим доирасида O'zLiDeP бундан буён ҳам кишлоқ мулкдорларининг таклиф ва мулоҳазаларини ўрганиш, улар асосида соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, бу жараёнга мутасадди ташкилотларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратади.

Тадбирда O'zLiDeP ва Фермерлар кенгаши ҳамкорлигида Паркент туманида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни икки баробар, қайта ишлаш ва экспорт салоҳиятини эса янада оширишга мўлжалланган уч йиллик дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилгани эълон қилинди.

2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан туман фермерлари томонидан иккита ҳудуддаги кишлоқ врачлик пункти иши самарадорлигини ошириш, аҳолига, айниқса, ёшларга сифатли ва ўз вақтида ёрдам кўрсатиш мақсадида ҚВБларда фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари учун уй қуриб бериш ташаббуси ҳам илгари сурилди.

Бундан ташқари паркентлик фермерларнинг ҳар бир маҳаллада болалар майдончаларини қуриш ташаббуси иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Шу ўринда Паркент туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Фахриддин Дадаматов барча маҳалларда O'zLiDeP ва ЎзФК вакиллари томонидан учрашувлар ўтказилгани, «Қумушқон» маҳалласида фермерлик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф маҳаллий аҳоли, айниқса, фермер ва тадбиркорлар томонидан қўллаб-қувватланганини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ижроия аппарати гуруҳ раҳбари Тўхта Бозоров, Савдо-саноат палатасининг Тошкент вилоят бошқармаси бошлиги Файзулла Маманов, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижрочи директори Жаҳонгир Мустафоев сўзга чиқиб, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспортини ривожлан-



тириш борасида яратилган шарт-шароитлар хусусида атрофлича маълумот берди.

Хусусан, Ж.Мустафоев Юртбошимиз қарори асосида ташкил этилган янги жамғарма кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда фермерларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, янги бозорлар топиш, лозим бўлса, экспорт жараёнида фермерларни молиявий жиҳатдан ёрдам беришга тайёр эканини билдирди.

O'zLiDeP аъзоларининг таъкидлашича, амалий мулоқотга тайёрлик кўриш жараёнида туман фермер ва деҳқон хўжаликлари вакиллари билан жойларда, маҳалларда ўтказилган ўнлаб давра суҳбатлари, учрашувлар ва фикр алмашувлари давомида Паркент туманида йилдан-йилга кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажми ортаётган бўлса-да, ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудлиги аниқланди. Масалан, айрим ҳолларда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолияти замон талабларига жавоб бермаётган бўлса, баъзи ўринларда божхона тизими ходимлари белгиланган тартибларга тўла риоя этмаётганлиги. Фермерларнинг мавжуд қонунчиликдан, яратиб берилган имконият ва имтиёزلардан беҳабарлиги ҳам бу борада тўсиқлар яратаяпти.

Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари Равайн Абдуллаевнинг фикрича, кейинги йилларда аграр соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон ва қарорлар, тизимнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга оид қонунлар асосида яратиб берилган шарт-шароитлар тўғрисида республикамизда боғдорчилик ва узумчилик жадал ривожланмоқда.

Таниқли фермер Айёмиддин ака Минхожидинов хўжалигида бу йил 180 тоннадан ортиқ узум, 40 тоннага яқин олма етиштирилиб, 100 миллион сўмдан зиёд даромад олинди.

— Бугун мамлакатимизда кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этиш, уларни тизимли равишда қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани тўқин-сочинлик, фаровонликка олиб келмоқда, — дейди А.Минхожидинов. — Хўжалигимизда дунёнинг бир қанча давлатларида ишлаб чиқарилган кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш минитехнологияларини ўрганиб чиқиш, қайта ишлаш корхонаси барпо этишга қарор қилдим.

Шу ўринда туман Фермерлар кенгаши мутахассислари ўтган йили Бойқозон, Сўқоқ, Ҳисорак, Номданак, Чанги ҳудудларида икки минг гектарга яқин ерда янги боғ, 1,5 минг гектарда узумзор яратганларини маълум қилди.

Ушбу йилда 6 минг 500 тонна шираси тили ёрар Паркент узуми, 3 минг тонна қишда ҳам қарсиллайдиган олмаси экспорт қилинган.

Ҳа, чиндан ҳам паркентлик фермерларда дунё бозорига дадил чиқиш учун шароит ҳам, имконият ҳам бор. O'zLiDeP аъзолари ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиш, бу жараёнда барча мутасадди ташкилотлар бир ёқадан бош чиқарган ҳолда фаолият юритишлари лозимлигини таъкидлади.

Бахс-мунозаралар асосида ташкил этилган тадбирда «Ўзтадбиркорэкспорт» компанияси, «Ўзстандарт» агентлиги, Давлат божхона ва солиқ қўмиталари вакиллари ҳам паркентлик фермерларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Турли таклиф ва тавсияларга бой бўлган мулоқотда ҳудудларда кўп тармоқли фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга замонавий селекция ва уруғчилик усуллари, самарали технологиялар ва агротехника тадбирларини жорий этиш масалалари ҳам эътибор қаратилди. Ёпиқ гўнгда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фермер хўжаликларининг моддий-техник базаси ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш атрафлича муҳокама қилинди.

Ўтказилган амалий мулоқот якунида кўп тармоқли фермер хўжаликлари рағбатлантириш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш, соҳага янги минитехнологиялар, ноу-хауларни жорий этиш, маҳсулотларни саралаш ва қадоклаш учун замонавий ускуналарни жалб қилиш мақсадида мувофиқлиги юзасидан амалий тақлифлар ишлаб чиқилди. Тадбир иштирокчилари, шунингдек, иқтисодийнинг мазкур тармоғини жадал ривожлантириш учун янада қўлай шароитларни яратиш мақсадида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича ҳам ўз тақлифларини билдирдилар.

ИСОҚБОЙ ДАДАМАТОВ, Тошкент вилояти, Пискент туманидаги «Исоқбой Дадаматов» фермер хўжалиги раҳбари (ЎЗА).

Олий бахт

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Агар мамлакатимиз мустақил бўлмаганида, кишлоқ хўжалиги ривожига бугунгидек юксак эътибор ва гамхўрлик кўрсатилмаганида, бизнинг ҳуқуқ ва эркинликларимизни ҳимоя қиладиган Конституциямиз қабул қилинмаганида мендай бир оддий деҳқоннинг кўксига шамол тегармиди?!

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маръузасини тевлевизор орқали диққат-эътибор билан эшитдик, газетадан ўқидик. Маърузада иқтисодийнинг бошқа соҳалари қатори кишлоқ хўжалигида ҳам қилувчи қучга айланиб бораётган фермерликни ривожлантириш учун қўлай

шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилингани алоҳида таъкидланди. Бу — биз, фермерларга билдирилган юксак ишонч ва улкан масъулиятдир.

Дарҳақиқат, истиқлолнинг дастлабки йилларидан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда кишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар тўғрисида фермерлик ҳаракатида кенг йўл очилиб, давлатимиз томонидан бу фаолият ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

1995 йили ўн гектар ер олиб, фермер хўжалигимизни ташкил этдик. Дастлаб

пахта ва бошқа кишлоқ хўжалиги экинлари экдик. Бугунги кунга келиб хўжалигимиз тасарруфда 125 гектар ер бор. Унинг 114,9 гектарида пахта ва галла етиштироқдамиз. Бундан беш йил муқаддам «Микрокредитбанк»нинг туман филиалидан ажратилган имтиёзли кредит эвазига қаровсиз ётган ўн гектардан зиёд ерда боғ барпо этдик. Бу йил олма дарахтаримиз илк нишона берди. 2013 йилда чорвачилик билан асарличиликни ҳам йўлга қўйдик.

Хўжалигимизда меҳнат қилаётган 30 нафардан зиёд ишчининг орасида касб-хўна қоллежларини битирган ёшлар кўпчилигини ташкил қилади. Бунунинг ёшларига ҳавас қилса арзийди:

билимли, дунёқараши кенг, қўлида хунари бор. Уларга доим бир гапни айтаман: яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, астойдил меҳнат қилсагина инсон ҳаётида ўз мақсадига етишади. Бунинг учун юртимизда барча шароит мўҳайё.

Халқимизнинг «Ерга меҳр берсанг, у ҳам сенга барқасини беради», деган нақлини эсимизда сақлаш керак. 2013 йил хўжалигимиз учун барқасини бўлди. Пахта билан галлани нест-нобузд қилмай йиғиб-териб олиб, шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажардик. Буғдойнинг қолганини ишчиларимиз, қишлоғимиздаги кам таъминланган оилаларга тарқатдик. Ҳалладан бўшаган майдонларга сабзавот экиб,

унинг асосий қисмини пойтахтимиз бозорларида сотмоқдамиз.

Хўжалигимизда замонавий кишлоқ хўжалик техникасининг деряли барча хили бор, юртимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар оиламиз хизматида, меҳнатимизга яраша даромад оляпмиз. Ахир, бир деҳқоннинг ҳаётидан рўшнолик, меҳнатининг роҳати шу эмасми? Собиқ тузум даврида оддий деҳқоннинг машинали бўлишини тасаввур этиш қийин эди.

Ўзбекистонимиз қунданкун чирой очиб, гўзаллашиб бормоқда, ҳар қадамда бунёдкорлик, яратувчанлик, Осмонимиз мусаффо, бозорларимизда мўл-кўллик, дастурхонимиз тўқин-сочин.

Фарзандларимиз бағримизда, соғ-саломат, бахтли. Халқимизнинг бугунини кўнгли тўқ, эртасига ишончи мустаҳкам, эзгу ниятлари, режалари бисёр.

Мамлакатимиз ҳар томонлама раванқ топиб, дунёнинг манаман деган давлатлари қаторидан жой олаётганини кўриб бир севинсак, бундай ўзгаришларга фермер сифатида ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан яна бир қувонамиз. Зеро, Ўзбекистондай жаннатмонанд Ватанда яшаб, эл-юртимизга наф келтириш, унинг қорига яраш бахти — энг олий бахтдир.

Қонун лойиҳаларининг муҳокамалари мутлақо янги тартиб-тамойиллар асосида амалга ошириляпти.

«ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ:

Парламентда қизғин мунозаралар кузатилмоқда

Маълумки, иқтисодий эҳтиш ислоҳ қилиш ва бозор механизмларини жорий этиш мулкка бўлган муносабат билан ҳамбарчас боғлиқдир. Зеро, мулкчилик шаклининг хилма-хиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги бозор муносабатларининг асосий тамойилларидан саналади

Фирдавс ХАМИДУЛЛАЕВ,
«XXI asr»

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар жараёнида давлат мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришга алоҳида эътибор қаратилгани иқтисодиётда давлат монополиясига барҳам бериб, мулкдорлар синфини шакллантириш имконини берди. Бошқача айтганда, хусусий мулк қўламининг кенгайтирилиши ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоялангани хусусий сектор вакилларининг эркин ва самарали фаолият юритиши учун мустақкам замин яратди.

Хусусан, кейинги йилларда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, шубҳасиз, бу соҳадаги ислохотларни янги босқичга кўтарди. Энг асосийси, ушбу ҳужжатлар давлат органлари ва тадбиркорлик тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни эркинлаштиришда муҳим омил бўлди.

Шу ўринда мустақилликнинг дастлабки йилларида қабул қилинган ва иқтисодий ислохотлар жараёнида хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун шу кунгача Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўттиш модели талабларидан келиб чиққан ҳолда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ўзига хос жиҳатларини қамраб олган муҳим ҳужжат сифатида хизмат қилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан тақлиф этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да ушбу қонунни бугунги кун талаблари асосида қайта кўриб чиқиш белгилаб берилган эди.

Иқтисодиётда хусусий сектор улушини кенгайтириш, хусусийлаштириш битимларининг очқилиги ва ошқоралигини таъминлаш, инвесторларнинг барча тоифаларига тенг қўлайликлар яратиш ва мулкни ҳуқуқни таъминлашга қаратилган «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси айна пайтда парламент қуйи палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларида ҳам атрофлича муҳокама қилинмоқда.

Маълумки, бугунги кунда қонун лойиҳаларининг муҳокамалари мутлақо янги тартиб-тамойиллар асосида амалга ошириляпти.

Шуни алоҳида қайд этиш кераки, Қонунчилик палатаси Регламентига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар асосида Қонунчилик палатасининг Кенгаши ҳузурда Киритилаётган қонунлар лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқишни ташкил этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳи фаолият юритмоқда. Қолаверса, қонун лойиҳалари барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳи вакиллари томонидан концептуал жиҳатдан тўла қўллаб-қувватланган тақдирдагина кўриб чиқиши ва ҳар бир фракциянинг нуктаи-назари демократик талабларга қатъий риоя этилган ҳолда атрофлича муҳокамалардан ўтказилиши қонунчилик киритилган янгиликларда ўз аксини топган.

Бу, шубҳасиз, қонун ижодкорлиги жараёнида фракциялар имкониятини кенгайтириб, қонун лойиҳалари юзасидан ўзларининг аниқ нуктани назар билан чиқишлари, ўз сиёсий партияларининг дастурий ҳужжатлари ва сайлов-

чиларнинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳалари юзасидан ўз ёндошувларини ҳар томонлама ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилишлари, бошқача айтганда, фракциялараро рақобатнинг кенгайтиришга олиб келмоқда.

«Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси хусусида сўз борганида О'zLiDeP фракцияси аъзолари унда белгиланаётган нормалар иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига хусусий инвесторларни жалб этиш ва улар учун нодавлат сектор улушини янада кенгайтириш учун мустақкам замин яратишини, сармоядорлар учун хусусийлаштириш жараёнида тенг шароит яратиш, мазкур жараёнининг очқилиги ва ошқоралигини таъминлашга хизмат қилишини таъкидламоқдалар.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган берилган вазифаларнинг ҳаётимизга босқичма-босқич татбиқ этилаётгани, мулкдорлар сафини кенгайтириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оши-

ХДП аъзоларининг бу масаладаги қарашлари ҳам асоссиздир. Тўғри, қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларини хусусийлаштириш жараёнларига фаолроқ жалб этишга қаратилган. Шунинг учун ҳам мулкдор учун ушбу жараёнларда қатнашишнинг жозибадорлигини акс эттирувчи янги нормалар киритилаётгани қонун қабул қилиниши билан унинг олдида кўйилган мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

ришнинг ҳам муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Энг асосийси ушбу қонун О'zLiDePнинг Сайлов платформасида белгиланган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш, тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этишдек дастурий вазифаларни бажаришга кенг имконият яратди.

Айна пайтда О'zLiDeP фракцияси аъзолари қонун лойиҳасидаги бир қатор долзарб масалалар хусусида ўз фикрларини билдиришмоқдалар.

Хусусан, лойиҳада хусусийлаштириш жараёнлари бир неча босқичларни (хусусийлаштириш бўйича тақдим этилган бюртмаларни кўриб чиқиш, хусусийлаштириш давлат дастурини тайёрлаш, хусусийлаштирилаётган объект нархини белгилаш ва ҳ.к.) қамраб олишини инобатга олиб, уларни амалга ошириш мuddатлари аниқ чеклаб қўйилмаганига эътибор қаратилляпти. Фракция аъзоларининг фикрича, хусусийлаштириш жараёнида ортиқча расмийчиликлар юзага келмаслиги ҳамда мuddатларнинг асоссиз узайтирилмаслиги учун хусусийлаштириш босқичларининг аниқ (имкон даражасида қисқа) мuddатлари белгиланиши қонун талабларини янада қучайтиради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари эса хусусийлаштириш жараёнларида шошма-шошарликка йўл қўйиши ҳар доим ҳам қутилган натижаларни бермаслиги ва бу жараёнларни қандайдир тор мuddатлар билан чеклаш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлаптилар.

О'zLiDeP вакиллари, аксинча, ушбу жараёнларнинг ҳар бир босқичи учун аниқ мuddатлар белгиланиши хусусийлаштириш жараёнларига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлаптилар. Зеро хусусийлаштириш билан боғлиқ босқ-



Қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида тортишувларга сабаб бўлаётган яна бир масала бу — хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоасининг ҳуқуқлари билан боғлиқдир.

ХДП вакиллари қонун лойиҳасида мулкни сотиб олувчи томонидан амал қилиниши лозим бўлган меҳнат жамоаси олдидаги ижтимоий мажбуриятлар етарли даражада очиб берилмаганини, лойиҳада мазкур масалаларга нисбатан мулкдорлар манфаати кўпроқ инобатга олинганини қайд этиптилар.

ХДП аъзоларининг бу масаладаги қарашлари ҳам асоссиздир. Тўғри, қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектларини хусусийлаштириш жараёнларига янада фаолроқ жалб этишга қаратилган. Шунинг учун ҳам мулкдор учун ушбу жараёнларда қатнашишнинг жозибадорлигини акс эттирувчи янги нормалар киритилаётгани қонун қабул қилиниши билан унинг олдида кўйилган мақсадларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Лекин, ўз навбатида хусусийлаштириш натижасида ўз шаклини ўзгартираётган корхоналар ишчи-хизматчилари манфаати ҳам қонун лойиҳасида етарлича акс этган. Энг асосийси, бу масалаларда ривожланган давлатлардаги мавжуд амалиёт ва мамлакатимиз меҳнат бозорининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилган.

Албатта, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ва учинчи ўқишларда кўриб чиқилади. Ундан олдин масбул қўмита депутатлардан, мутахассислар, олимлар томонидан, шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари томонидан билдирилган тақлиф ва мулоҳазаларни умумлаштириб, бир хулосага келади. Шу ўринда фракциялараро бундай тортишув қонун лойиҳаси нормаларининг янада аниқ ва ҳаётий бўлишини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлаш лозим.

Қонун ижодкорлиги жараёнидаги бундай мисоллар қонун лойиҳалари нормалари юзасидан фракциялараро рақобат борган сари кучаяётганидан далолат беради. Бунга юқорида қайд этилганидек, Қонунчилик палатаси Регламентига киритилган, қонун ижодкорлиги жараёнида сиёсий партиялар фракцияларининг рол ва масъулиятини янада оширишга, сайловчилар хоҳиши-иродасини ифодалашнинг янада самаралироқ механизмлари яратишини таъминлаган янгиликлар сезиларли даражада туртки бўлмоқда.

Маҳсулдорликни оширишда наслчилик ишларининг тўғри йўлга қўйилгани жуда катта аҳамият касб этаёпти

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Кечиктириб бўлмайдиган масалалар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси Тошкент давлат аграр университети билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда чорвачиликнинг ривожланиши ва унинг ҳуқуқий асослари — озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказди

Озод РАЖАБОВ,
«XXI asr»

Маълумки, аграр соҳани жадал ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, фермерлик ҳаракатининг изчил қўллаб-қувватланиши натижасида ички истеъмол бозорини қишлоқ ҳўжалиги, хусусан, гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда кўшимча имкониятлар яратилмоқда.

— Бунга истиклол йиллари «Фермер ҳўжалиги тўғрисида», «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида», «Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи (ширкати) тўғрисида», «Наслчилик тўғрисида», «Ветеринария тўғрисида»ги ўнлаб қонунлар яратилгани ва улар соҳадаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини ташкил этгани сабаб бўлди, — деди қўмита раиси, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Муҳаммадқосим Тешабоев. — Бугунги тадбирдан кўзланган мақсад эса қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли даромадларини кўпайтиришга йўл очётган мейёрий-ҳуқуқий базани озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш нуктаи назаридан чуқур таҳлил этиш асносида уларни янада тақомиллаштириш бўйича амалий тақлифлар тайёрлашдан иборат.

Шу ўринда Ўзбекистонда қабул қилинган чорвачиликни қўллаб-қувватлашга қаратилган Давлат дастурлари тўғрисида нафақат чорва бош сони, балки ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ҳам кўпайганини таъкидлаш лозим. Масалан, наслчиликни ривожлантириш дастури тўғрисида бугунгача барча тоифадаги ҳўжаликлардаги қорамоллар 10 млн. 447 минг 500 бош, шу жумладан, сиғирлар 4 млн. 84 минг бошни ташкил этмоқда. Мавжуд наслларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида кейинги саккиз йилда Польша, Германия, Голландия, Исроил ва Беларуссиядан жами 34 минг 927 бош зотдор қорамол келтирилиб, улардан 77 минг 838 бош бузоқ олинган.

— Чорва моллари маҳсулдорлигини оширишда наслчилик ишларининг тўғри йўлга қўйилгани жуда катта аҳамият касб этаёпти, — деди Тошкент давлат аграр университети ректори, биология фанлари доктори, профессор Ботиржон Сулаймонов. — Бунда асосий эътибор табиий иклим шароитига мос, фойдали генетик белгиларга эга ҳайвонлар етиштиришга қаратилган бўлиб, насл сифатини ошириш, зотларни тақомиллаштириш, наслчилик ресурсларини яратиш, сақлаш, тақририй кўпайтириш, селекция ишларида жаҳон генофондидан оқило-

на фойдаланиш, чорвачиликнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилляпти. Хусусан, охириги 5 йилда хориждан 87 бош наслдор буқа, 600 минг 500 доза музлатилган уруғ келтириб, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларидидаги моллар сунъий қочирилди.

Чорва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида илмий муассасалар ва олий ўқув юрталари олимлари томонидан тадқиқотлар ўтказилмоқда. Бу йўналишдаги етакчи даргоҳлардан бири «Плем-элита» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг чорвачилик илмий-тадқиқот институтидир. Анжуманнинг амалий қисмида депутатлар мазкур институт лабораториялари, чорвачилик павильони ва тажриба ҳўжалиги фаолияти билан бевосита танишдилар.

— Бугун республикаимизда чорва моллари томорка ва деҳқон ҳўжаликларидида экстенсив, яъни аънанавий усулда боқилаётган бўлса, фермер ҳўжаликларида санаот йўналишидаги интенсивив ҳўжаликларидида турган муҳим вазифалардан биридир. Бу ерда гап чорвачилик субъектлари, давлат муассасалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни замон талаблари асосида тартибга солиш, наслчилик ишларини рағбатлантириш баробарида озуқа етиштиришнинг ўзига хос ҳуқуқий жиҳатларини очиб бериш, ҳайвонларни идентификациялаш ва ҳисобини юритиш, наслчилик ишлари субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш ҳақида кетмоқда.

Тадбирда ҳуқумат томонидан қабул қилинаётган маҳсус дастурлар шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари фаолиятини янада ривожлантиришда янги механизм вазифасини бажараётганини инобатга олган ҳолда О'zLiDeP фракцияси аъзоларининг бир гуруҳи томонидан қонун ташаббускорлиги ҳуқуқи асосида айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилаётганига эътибор қаратилди.

Конференцияда мазкур қонун лойиҳасининг концептуал йўналишлари хусусида сўз юритилиб, кўп тармоқли фермер ҳўжаликларининг моддий ва молиявий имкониятларидан оқилона фойдаланиш орқали соҳанинг иқтисодий самарадорлигини оширишда олимлар билан амалиётчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини қучайтириш лозимлиги таъкидланди.

ПОЛЬША ДЕЛЕГАЦИЯСИ — НАВОЙДА

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан Навой шаҳрида маҳаллий тадбиркорларнинг польшалик ишбилармонлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари У.Раззоқов ва бошқалар меҳмонларга вилоятнинг иқтисодий салоҳияти, хусусан, Навой эркин иқтисодий-индустриал зонаси, шунингдек, инвестиция киритиш учун тақлиф этилаётган бўш бинолар тўғрисида батафсил маълумот бердилар. Ўз навбатида, Польша Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили Э.Репин Польша, унинг иқтисодий кўрсаткичлари, сўнгги йилларда эришган натижалари ҳамда навоийлик тадбиркорларга Польша давлати томонидан тақлиф этилаётган инвестиция лойиҳалари тўғрисида сўз юритди.

Учрашув-семинар якунида томонлар ўзларини қизқирган саволларга жавоб олдилар.

Худудий дастурга

асосан умумий қиймати 43,1 млрд. сўмлик 125 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Опа-сингилларимиз

сай-ҳаракати билан лойиҳа доирасида 53 та янги иш ўрни барпо этилди.

ИСПОХОТ

Наманганда фермерлик тобора ривожланмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Ахроржон МУСУРМОНОВ,
«XXI asr»

Ҳа, чиндан ҳам бошқа худудларда бўлганидек, Наманганда ҳам аграр соҳада ер ўз эгаси қўлига ўтгани натижасида фермерлик ҳаракати жадал ривожланмоқда. Соҳа мутахассислари аграр секторда ўғит, нефть маҳсулотлари тарқатиш бўйича яхлит тизим яратилганини алоҳида таъкидламоқдалар.

Таҳлиллар 2013 йилнинг тўққиз ойида вилоят бўйича 352,5 миң тонна сабзавот (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,3 фоиз), 131,5 миң тонна картошка (109,3 фоиз), 42,6 миң тонна полиз (107,8 фоиз), 130,1 миң тонна мева (112 фоиз), 62,6 миң тонна узум (110,7 фоиз), 77,9 миң тонна гўшт (107,7 фоиз), 370,3 миң тонна сут (109,2 фоиз), 1174 тонна жун (106,6 фоиз), 290 тонна асал (130,2 фоиз), 530 тонна балиқ (127,6 фоиз) етиштирилганини, уларнинг 95 фоизи айнан фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келганини кўрсатади. Бу вилоятда 1345 млрд. сўмлик ялли кишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрланиб, ўсиш суръати 107,6 фоизни ташкил қилганидан далолат ҳамдир.

Вилоят ҳокимлиги масъул ходими Алишер Жавҳаровнинг таъкидлашича, ишлаб чиқарилган кишлоқ хўжалик маҳсулотларидан 759 миң АҚШ доллари миқдоридagi мева ва сабзавот, узум ва қуритилган мева экспорт қилинган.

Шу ўринда вилоятда кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш бўйича жорий йилнинг 10 ойида 1042 та лойиҳа амалга оширилгани, бунинг учун молия муассасаларидан 6 трлн. 903 млн. сўм миқдоридa кредитлар ажратилганини айтиш мумкин. Ана шу лойиҳалар ҳисобига 3265 та янги иш ўрни яратилган. Масалан, Косонсой туманидаги «Чашмаи сафед» фермер хўжалигида 350 тонна, Уйчидаги

«Тўрақўрғон чорва маҳсулоти» фермер хўжалигида 200 тонна сутни, Учқўрғондаги «Азизбо» фермер хўжалигида эса миң тонна мева-сабзавотни қайта ишловчи корхоналар ишга туширилган.

— Кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш дастури ўз самарасини бераяпти, — дейди Тўрақўрғон туман Фермерлар кенгаши раиси, O'zLiDeP аъзоси Нўмонжон Каримов. — Боғдорчилик ва узумчилик йўналишида 63 та, чорвачиликка ихтисослашган 12 та, пахта ва ғалла етиштирувчи 167 та, жами 242 та фермер хўжалиги бўлса, уларнинг 72 тасида 76 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг учун банклардан 1 млрд. 70 млн. сўмлик кредит, фермерлар ҳисобидан эса 1 млрд. 579 млн. сўмлик маблағ йўналтирилди. Энг асосийси, туманда 276 та иш ўрни яратилди.

— Эллик гектарга яқин майдонда пахта ва ғалла етиштириш, — дейди ушбу тумандаги «Асадбек Абдусаматович» фермер хўжалиги раҳбари Шавкатбек Алишеров. — Яратилаётган имкониятлар туфайли чорвачиликка қўл уриб, 50 бош зотли новвос сотиб олдик. Гўшт дўкони очдик. Натижада 22 нафар қишлоқдошимиз доимий иш жойига эга бўлди.

«2013 йилда вилоятда қорамолчилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик тармоқларини ривожлантириш, чорва моллари ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш тўғрисида» худудий дастурга асосан умумий қиймати 43,1 млрд. сўмлик 125 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Унга кўра, жорий йилнинг 9 ойида 502,9 миң бош парранда боқишга ихтисослашган 37 та паррандачилик, 679,2 га сунъий сув ҳавзаларида 58 та балиқчилик, 643 та фермер хўжалигида 12980 дона асалари уялари ташкил этилди, бу вилоят фермерларининг ташаббускорлиги, омиличилиги ва тадбиркорлиги туфайли Наманган ахлининг турмуши янада фаровон, дастурхонлари тўкин бўлаётганидан далолатдир.

«Фаолиятимизни давр талабларига мослаштирамиз»

Бугун мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги мавқеини мустақамлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, опа-сингилларимизни тадбиркорликка йўналтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас

O'zLiDeP электорати сафида ҳам тадбиркор ва ишбилармон хотин-қизлар кўпчиликини ташкил этади. Жумладан, шулардан 1000 нафарга яқини вилоятимизда фаолият юритяпти. Утган сайловларда 18 нафар сафдошимиз халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлигига сайланди. Икки нафар партиядошимиз эса Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида иш олиб бормоқда.

Ана шундай фаолларимиз иштирокида уюштирилаётган тадбирларда хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, жойларда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш масалалари ҳам доимий эътиборда. Шу мақсадда ўтаётган йилда қирқдан ортиқ учрашув, давра суҳбати, семинар-тренинг ўтказдик. Уларда юртимизда кечаётган туб ўзгаришлар, янги қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, опа-сингилларимизнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш масалаларига ҳам кенг ўрин берилляпти.

«Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Оилавий тадбиркорликдан — мустақам оилага», «Соғлом оила — мустақам оила» сингари партиявий лойиҳалар доирасида эса вилоятнинг энг чеҳра худудларига қариб боришга ҳаракат қилдик. Масалан, O'zLiDeP Янгиерик туман кенгашининг «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ўтказилган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-

лик — иқтисодий барқарорлик қафолати» мавзусидаги давра суҳбатида уй бекалари, шунингдек, касб-хунар коллежларини тугатган ёш қизларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама этилди. Ана

«Оилавий тадбиркорликдан — мустақам оилага» лойиҳасида иштирок этган опа-сингилларимизнинг ўндан ортиқ бизнес-режалари учун 140 млн. сўмдан зиёд кредит ажратилгани, натижада 10 нафар хотин-қиз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш имконига эга бўлганини

«Аёллар қаноти»нинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустақам оилага» лойиҳасида иштирок этган опа-сингилларимизнинг ўндан ортиқ бизнес-режаси учун 140 млн. сўмдан зиёд кредит ажратилиши натижасида 10 нафар хотин-қиз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш имконига эга бўлди.

шу мавзудаги тадбирлардан кейин 38 нафар тадбиркор аёл айна масала юзасидан ёшларга мураббий сифатида бириктирилди. Хазорасп, Гурлан, Шовот туманларида ташкил этилган «Тадбиркор аёл — оила файзи, жамият таянчи», «Тадбиркорликни ривожлантиришда аёлларнинг ўрни», «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш — бандликни таъминлашнинг мумкин омили» мавзусидаги тадбирлар ҳам аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар ижросига қаратилди.

Шу ўринда яқунланаётган йилда «Аёллар қаноти»нинг

таъкидлаш мумкин. Лойиҳаларимизда иштирок этган хотин-қизлар бошқарувидаги жамоалар ҳам ҳар жиҳатдан мустақамланмоқда. Қолаверса, жойлардаги хунармандлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. «Аёллар қаноти» ташаббуси билан бир хунармандга биттадан шогирд бириктирилиб, улар фаолиятини кенгайтириш учун яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда.

Албатта, хотин-қизларни иш билан таъминлашда сиёсий партияларнинг алоҳида ўрни бор. Биз эса электорат вакилларига таянган ҳолда ушбу муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қилаёмиз. Мана, бир мисол.



Мехрибон Йўлдошева, O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши раиси ўринбосари, халқ депутатлари Урганч шаҳар кенгаши депутати

Янгиариқлик Гулнара Жабборова лойиҳада иштирок этиб, 10 млн. сўм кредит олишга муваффақ бўлди. Айни кунда у қишлоқдош аёллардан 5 нафарини доимий иш билан таъминлаган.

Шовотлик яққа тадбиркор Гуландом Худоёрова, «Яшнарбек Ражапов» хусусий корхонаси раҳбари Гулсара Нуржанова, Урганч туманидаги «Шодлик-шайдо» фермер хўжалиги раҳбари Раъно Рўзметова каби ўнлаб жонқуяр опа-сингилларимиз сай-ҳаракати билан лойиҳа доирасида 53 та янги иш ўрни барпо этилди.

Бундай сай-ҳаракатларнинг тизимли равишда амалга оширилаётгани эса ислохотлар натижасига хизмат қилиши шубҳасиз.

Наргиза КАХХОРОВА тайёрлади.

Ёшлар ишончини оқлайди

— Президентимизнинг Бош қомусимизнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш — ёруғ келажагимизнинг асосий омилдир» маърузасида замонвий билим ва касб-хунарларга эга, ҳаётга янгича қарайдиган ёшлар жамиятимизда мустақам ўрин эгаллаб, мамлакатимиз тараққиётида ҳал қилувчи кучга айланаётгани алоҳида таъкидлангани янги авлод вакиллари билдирилган юксак ишончдан далолатдир, — дейди O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республика кенгаши «Ёшлар қаноти» раҳбари Муҳаббат Ақназарова

Янгибой ҚўЧҚОРОВ,
«XXI asr»

замон талабларини тез ўзлаштириши, эркин фикрлай олиши, теран билими ва ноёб иқтидори билан жамиятда ўзининг муносиби ўрнини топишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида O'zLiDePнинг 10580 нафар аъзоси бўлиб, уларнинг 6095 нафарини ёшлар ташкил этади. Мавжуд 587 та БПТнинг 151 тасига ёшлар етакчилиги қилмоқда. Турли бўғиндаги халқ депутатлари орасида ҳам ёшлар кўпчиликини ташкил этапти. 2013 йилнинг ўтган даврида ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига қизиқишларини орттириш, уларга ўз бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 65 та тадбир ўтказилди. Уларда 6095 нафар фаол ёш ўз гоё ва амалий тақлифи билан иштирок этди.



Тўғри, фаолиятимизда тилга олса арзиғулик натижалар оз эмас. Аммо чинакам партиявий нуқта назардан вазиятга ҳолис баҳо бераск, олдимизда ҳали бажарилиши лозим бўлган ишлар кўпчилигини англаб етамиз. Бугун қишлоқларимиз шаҳар тусини олмоқда, жойларда янги, замонавий уйлар қад ростлаяпти. У ерларда эса нақирон авлод вакиллари улғаймоқдалар. Хўш, биз ҳар доим ҳам улар дилидаги ўйлар, ниятлар билан қизиқяпамизми? Ҳа, қизиқяпамиз. Бирок

талаб даражада эмас. Шунинг учун ҳам 2014 йилда бу борадаги ишларимизни янада такомиллаштириш, партиянинг ёшларга оид фаолиятини кучайтиришимиз керак. Жорий йилда 91 та касб-хунар коллежини тамомлаган 25660 нафар битирувчинини иш билан таъминлашда иштирок этдик. Янги йилда ҳам бу ишлар давом эттирилади. Бунда партиявий лойиҳалардан янада самаралироқ фойдаланишимиз керак, деб ҳисоблайман. Мана, масалан, «Ишбилармон талаба-2013» кўрик-танловида 380 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этган бўлса, улар

нинг 48 нафари республика босқичи, 3 нафари эса мамлакат босқичига йўлланма олди. «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси якунида эса 60 нафар талаба имтиёзли кредит соҳибига айланиб, ўз бизнесини бошлади. Хулоса қилиб айтганда, Оролбўйида истиқомат қилаётган ёшлар Юртимизимиз даъватига «лаббай» деб жавоб бериб, ўз келажини мамлакат келажи билан уйғун кўрган ҳолда ҳаракат қилмоқдалар. Бундай фидойи ёшларнинг сафи кундан-кунга кенгайиб бораётгани эса ислохотларнинг амалдаги самарасидир.

«ISUZU» ВА «MERCEDES» ЛАР — ИЖАРАГА



«Тошхартрансхизмат» уюшмаси жисмоний ва юридик шахслар учун автобусларни соатбай ижарага бериш хизмати йўлга қўйилганини маълум қилди. Эътиборлиси, тўй-ҳашам ва сайру саёҳатлар учун автобустга буюртма берувчилар транспорт воситаларини интернет орқали ҳам қақришлари мумкин. Бунинг учун улар уч кун аввал уюшма сайтидаги сўровномани

тўлдиршлари керак бўлади.

Янги хизмат тури баҳоси автобусларнинг маркази ва моделдан келиб чиққан ҳолда ўзгаришини, жумладан, «ISUZU» учун соатига 25000 сўмдан — 38000 сўмгача, «Mercedes-Benz»лар учун эса 35000 сўмдан — 45000 сўмгача нарх белгиланганини айтиш лозим.

Ш.ХҲҲАЕВ тайёрлади.

ЁШЛАР «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ»ГА ҚАРШИ

Андижон машинасозлик институтида глобаллашув жараёнида «оммавий маданият»нинг миллий қадриятларимиз ва ёшлар онгига таъсири мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёшларни ватанпарварлик ва истиқлол гошларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва мутахассисликларини эгаллашни рағбатлантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. — Бугунги кунда тезкор ахборот аламушуви даврида «оммавий маданият» миллий маданиятимиз ва мамлакатимиз келажаги учун жиддий халф соломда, — дейди Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Андижон вилояти кенгаши ижроия қўмитаси раиси Комилжон Отахонов. — Бу каби таҳдидлар асосан интернет турмоғи орқали кириб келаётганини ҳисобга олиб, ёшларимизда бунга қарши маънавий иммунитетни кучайтириш, интернетдан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш борасидаги тушунириш-тарғибот ишлари самаралорлигини ошириш даркор. Тадбирда «оммавий маданият» таҳдидлари ва унинг салбий оқибатларининг олдини олиш, миллий маданиятимизни тарғиб этувчи қизиқарли тадбирларни кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Давра суҳбати иштирокчиларини қизиқтирган саволларга депутатлар батафсил жавоб қайтарди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

БИР ҲОВУЧ ДУР

Ватан қадрини билмаган ўз қадрини билмас.

Ватани борнинг бахти бор, Меҳнати борнинг — тахти.

Ўзбек халқ мақоллари.



Амалий машгулот ва учрашувларда 1300 нафарга яқин куйи бўгин аъзоси қатнашди



БПТлар сони ошириш асосий мақсад эмас



Партия ташкилоти аъзолари ташаббуси билан «Ўрмончилар» маҳалласида ёшлар бандлиги таъминланяпти

КУЧЛИ ҚҲҲИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

51 (527)-СОН, 2013 ЙИЛ 19 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

Тарғибот талаб даражасида эмас

2013 йилда Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган бошланғич ташкилотларда муҳокама этилган долзарб масалаларнинг тўрттаси халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясига киритилди

Бехзод ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»

O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгашининг мафкура ва тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими мудири Улуғбек Эшонхўжаевнинг фикрича, шаҳар кенгаши депутатларидан 23 нафарининг куйи бўгинларга бириктирилгани БПТлар фаолиятини янада жонлантирди. Якунлаётган йилда депутатлик гуруҳи томонидан тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарларига юборилган 69 та депутатлик сўровининг 48 таси, 21 мансабдор шахс ҳисоботининг 15 таси ҳамда 12 та назорат-таҳлил текширувнинг 7 таси ҳам БПТлар ташаббуси билан кўтарилган масалаларга оиддир. Ушбу кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан 24 фоизга ортган.

Куйи бўгинлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Машхура Абдуғаниеваннинг таъкидлашича, туман кенгашлари мутасаддиларининг БПТ етакчилари билан мунтазам мулоқотлар ўтказиётгани, долзарб масалалар ечимини топиш, куйи бўгин аъзоларининг билим ва тажрибаларини оширишга алоҳида эътибор қаратишаётгани ҳам юқоридагидек натижаларга асос бўлмоқда. 2011 йилдан буён босқичма-босқич ўтказилаётган «Бошланғич ташкилот — партия асоси: имкониятлар таҳлили ва фаолиятини такомиллаштириш» акцияси бу жараёнда муҳим роль ўйнамоқда. Зеро, айни ушбу акцияда БПТлар таркибини сифат жиҳатдан яхшилаш, муносиб номзодларни кадрлар захирасига қиратиш масалаларига ўзига хос ечим топилапти. Тадбир бошланганидан бери БПТ раисларининг 11 фоизи ёш, ташаббускор партия аъзолари ҳисобига янгиланди. Бошқача айтганда, партия дастурий мақсад ва вазифаларини аҳоли ўртасида юқори савияда тарғиб қилишга қодир етакчилар сараланиб, бошланғич ташкилотлар раислигига сайланди. Иқтидорли, салоҳиятли аъзоларнинг 250 нафари эса шаҳар партия ташкилоти кадрлар захирасига олинди.

Етакчиларнинг маънавий-маърифий, сиёсий билимларини оширишга эса шаҳар кенгаши хузуридаги Сиёсий таълим маркази катта ҳисса қўшаётди. Масалан, жорий йилнинг III чорагида 30 кун давом этган махсус ўқув-семинарларда 872 нафар БПТ раиси ва 766 нафар партия фаоли иштирок этиб, уларнинг 47 та долзарб ва асосли тақлиф-мулоҳазалари саралаб олинди. Тадбирларда Ўзбекистон ва жаҳонда рўй бераётган муҳим воқеаларнинг мазмун-моҳияти, Юртбошимиз асарлари, фармон ва қарорлари, парламентнинг қонунчилик фаолияти билан боғлиқ мавзулар экспертлар, таникли олимлар иштирокида муҳокама қилинди. Умуман, жорий йилда ўтказилган 70 дан зиёд сиёсий ўқув, давра суҳбати, амалий машгулот ва учрашувларда 1300 нафарга яқин куйи бўгин аъзоси қатнашди.

Ана шундай аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирлар натижасида куйи ташкилотлар фаоллиги, ташаббускорлиги сезиларли даражада ошди. Айниқса, Учтепа



Соллик ЗОИР олган сурат

Хусусий сектор вакиллари орасида партиянинг мақсад ва вазифаларини изчил тарғиб этиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ислохотлар моҳиятини тушунтириш бирламчи вазифа эканини назарда тутсак, масаланинг нечоғли муҳим эканини англаб етамиз. Бу борадаги ишлар тўғри йўлга қўйилганида эди, юқоридаги кўрсаткич ҳам шубҳасиз ўзгарган бўларди.

туманидаги 3-болалар клиникаси, Чилонзор туманидаги «Агробанк» ОАТБ, Ҳамза туманидаги «Е-мой комбинати» ОАЖ, Яккасарой ту-

манидаги «Тошшаҳаргаз» давлат унитар корхонасида иш олиб бораётган бошланғич ташкилотлар шулар жумласидандир.

Маълумки, барча соҳа ва тизимларда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти, энг аввало, юртдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳамда ана шу жараёндаги иштирокига боғлиқдир. Пойтахтимизда фаолият юритаётган 942 та куйи бўгин ҳам ана шу талабдан келиб чиқиб, 7 та йўналишдаги муҳим мавзуни қамраб олган иш-режа асосида 200 дан ортиқ турли тадбир уюштирди. Уларда давлат дастурлари, электр фаолиятига доир қонунларнинг мазмун-моҳияти, мақсади хусусида маълумотлар берилди. Мулоқотлар давомида Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳалари бўйича ҳам бир қатор тақлифлар билдирилди.

Бундай изланишлар, шубҳасиз, бошланғич ташкилотларнинг либерал-демократик ғояларни тарғиб этиш, партиянинг Сайловолди платформаси ва дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашдаги ролинини оширомоқда. Айниқса, ўтказилган тадбирлардан кейин партия аъзолари сони 447 нафарга кўпайганини алоҳида қайд этиш лозим.

Эътиборлиси, уларнинг 61 фоизи хусусий сектор вакиллари.

Шу ўринда пойтахтда партия аъзоларининг салкам 14 минг нафарини 34 ёшга бўлганлар ташкил этаётганини инобатга олиб, БПТлар ташаббуси билан уюштирилаётган тадбирларда ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Шунинг учун ҳам йил бошидан бери пойтахтлик 278 нафар йигит-қиз, жумладан, Зулфия номдаги давлат мукофоти соҳибларининг 12 нафари O'zLiDePга аъзо бўлди.

Аммо ана шундай натижаларга қарамай, айрим куйи бўгинлар фаолиятида ўзига хос камчиликлар сақланиб қолаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, Тошкент шаҳридаги 654 та йирик тадбиркорлик субъектининг 56 таси ёки 8,6 фоизидagina куйи бўгинлар мавжудлиги тарғибот-ташвиқот ишларининг талаб даражасида эмаслигини кўрсатаяпти. Тўғри, БПТлар сони ошириш асосий мақсад эмас. Аммо хусусий сектор вакиллари орасида партиянинг мақсад ва вазифаларини изчил тарғиб этиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳадаги ислохотлар моҳиятини тушунтириш бирламчи вазифа эканини назарда тутсак, масаланинг нечоғли муҳим эканини англаб етамиз. Бу борадаги ишлар тўғри йўлга қўйилганида эди, юқоридаги кўрсаткич ҳам шубҳасиз ўзгарган бўларди.

Чиндан ҳам мақсад ва вазифаларимизни изчил тарғиб этиш орқали сафдошларимиз, тарафдорларимиз сони ошириш масаласи бугун ҳам долзарблигича қолмоқда, — дейди У.Эшонхўжаев. — Хусусан, Сергели ва Ҳамза туманларида бу борадаги ишлар жиддий эътибор талаб этмоқда. Шу маънода БПТлар фаолиятини янада такомиллаштириш, партия аъзолари ташаббусларини янада изчил қўллаб-қувватлаш, уларнинг электрорат билан ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш олдимизда турган энг муҳим вазифа эканлигини англаб, 2014 йил фаолиятимизда ушбу йўналишга алоҳида эътибор қаратиш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқаямиз.

АЪЗОЛАР ТАШАББУСИ БИЛАН

Фарғона шаҳридаги «Фар-Самина-Нафосат» корхонасида иш олиб бораётган бошланғич партия ташкилоти аъзолари ташаббуси билан «Ўрмончилар» маҳалласида ёшлар бандлиги таъминланяпти. Корхона раҳбари, БПТ етакчиси Фаррух Турдиқуловнинг таъкидлашича, 2010 йилда иш бошлаган ташкилот асосан гигиеник маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Жорий йилдан бошлаб корхонада трикотаж маҳсулотлари ҳам тайёрлана бошланди. Корхона қошидаги мўъжаз тикув цехига Японияда ишлаб чиқарилган 25 та тикув, 1 та бичиш дастгоҳи ўрнатилган. — Тикувчи ва ипчиларимизнинг барчаси маҳалла фуқаролари, — дейди Ф.Турдиқулов. — Тўғри, уларнинг ҳаммаси ҳам ҳозирча етарли тажрибага эга эмас. Аммо тиришқоқ ва интилувчан ёшларимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга катта қизиқиш билан қарамолдар. Шу бос, улар бу жараёнларда фаол иштирок этишяпти.



O'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши Матбуот хизмати.

ИККИ ТУМАНДА УЧТА ЯНГИ БПТ

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши масъул ходими А.Шаҳаровнинг маълум қилишича, худуддаги куйи бўгинлар сони 400 дан ошди. Уларнинг асосий қисми тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжалиқларида иш олиб бормоқда. Бу эса хусусий секторда партия ва унинг ғояларига бўлган ишонч тобора мустаҳкамланаётганидан далолат беради. Чунончи, яқинда Зарбдор туманидаги «Бунвар-ая» ва «Мухтор» фермер хўжалиқлари, шунингдек, Пахтакор туманидаги «Ҳамзаева Хадича» хусусий корхоналарида ҳам янги БПТлар иш бошлади. Ушбу партиявий тузилмалар жами 28 нафар аъзони ўз атрофига бирлаштирган. Аҳамиятлиси, куйи бўгинлар етакчиларини сайлашда муқобилик принципларига амал қилиниб, сиёсий жиҳатдан етук, жамоалда ҳурмат-эътиборга эга бўлган фаол ташкилотчиларга ишонч билдирилди.

ЭРКИН ОТА O'ZLIDEPНИ ТАНЛАДИ

Бухоро шаҳридаги O'zLiDeP аъзолари сони яна 11 нафарга кўпайди. «Бухоро халқаро аэропорти»даги БПТнинг 35 нафар маслақлоши ўз сафларига яна бир гуруҳ аъзоларни қабул қилди. Дилшод Эргашев, Шоира Ҳамроева, Равшан Шодиев, Раъно Жалолова, Шўхрат Ашуров каби ёшларнинг барчаси партия нуфузини янада оширишга аҳд қилган юртдошларимиздан.



Зарифа САФАРОВА, O'zLiDeP Бухоро шаҳар кенгашининг БПТлар билан бўйича бош консултант.



«O'ZLIDEP БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ИМТИЁЗЛИ ОБУНА» АКЦИЯСИДА ҚАТНАШИНГ ВА

XXI ASR

ижтимоий-сиёсий газетасига

ОБУНА бўлинг!

Мурожаат учун телефон:

(8-371) 215-63-80

Аҳроржон МУСУРМОҢОВ.

434 та лойиҳага

113,9 млн. АҚШ доллари миқдорда кредит ажратилган ва натижада 3000 га яқин янги иш ўрни яратилган.

Молиявий барқарорлик — тараққиёт гарови

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «бизнесни юритиш» ҳисоби бўйича Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳити жорий йилнинг ўзида 10 поғонага, кредитлаш соҳасидаги рейтинг кўрсаткичлари эса 24 поғонага кўтарилгани таҳсинга лойиқдир

Наргиза САҲАДДИНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Тижорат
банкларининг инвестиция
портфелини мониторинг қилиш
департаменти бош иқтисодчиси

Яқунланаётган «Обод турмуш йили»да тадбиркорлик тобора ривожланиб, кишиларда мулкка эгаллик ҳисси кучайиб бораётгани иқтисодий самарадорликни ошириш ва турмуш маданиятини юксалтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Жорий йилда, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, бунинг учун жойларда қўлай бизнес муҳити яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун узоқ муддатли кредитлар ҳажмини ошириш, хусусан, кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини яхшилашга ҳар қачонгидан катта эътибор қаратилди. Буни нуфузли халқаро рейтинг агентликлари ва турли халқаро анжуманларда иштирок этаётган экспертларнинг хулосаларидан ҳам англаш қийин эмас.

— Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «бизнесни юритиш» ҳисоби бўйича Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳити жорий йилнинг ўзида 10 поғонага, кредитлаш соҳасидаги рейтинг кўрсаткичлари эса 24 поғонага кўтарилгани таҳсинга лойиқдир. Бу эса ўз навбатида хорижий инвесторларнинг мамлакатингизга бўлган қизиқишини янада оширмақда, — дейди германиялик халқаро эксперт Эдгар Клоуз.

Чиндан ҳам бугун мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун барча имкониятлар мавжуд. Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, кичик бизнес субъектларининг миллий валютадаги ҳисоб-рақамлари тўлов ундирилмаган ҳолда очилмоқда. Уларнинг кредит олиш билан боғлиқ аризалари тижорат банклари томонидан уч кунда кўриб чиқилапти. Умуман, қўлай бизнес гоёси ва ликвидли гаров таъминотига эга бўлган мулкдорлар исталган банк муассасасидан зарур миқдордаги сармоя олиш имкониятига эга.

Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 6 трлн. 165 млрд. сўм ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 30 фоиз кўп миқдорда кредит ажратилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек, соҳа ривожини унинг 1 трлн. 227 млрд. сўмдан зиёд микрокредит йўналтирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 11 мартдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш мақсус жамғармаси ҳисобидан узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари молиявий жиҳатдан ўз вақтида қўллаб-қувватланмоқда.

Шу ўринда жамғарма кредитлари ҳисобига олинмаган даромадлар 2011 йилнинг 1 апрелидан 2016 йилнинг 1 январигача фойда солигидан озод этилгани ҳам таъкидлаш жоиз. Бу эса, биринчидан, жамғарма сармояларини кўпайтиришга хизмат қилса, иккинчидан, ортинча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратаяпти. Масалан, «Асака» банкнинг Нукус филиали томонидан жорий йилда «Қушилик» масъулияти чекланган жамиятига Тахياتош туманида паррандачилик фаолиятини йўлга қўйиш учун уч йил муддатга 700 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилган эди. Натижада корхонада кунига 20-25 минг дона тухум ишлаб чиқарила бошланди. 30 нафар паррандабоқарнинг қўли қўлига тегмайди. Улар меҳнати туфайли даромад ортиб, кунлик товар айланмаси 4-7 млн. сўмни ташкил қилаётди.

Шуни назарда тутган ҳолда, тижорат банклари томонидан маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга молиявий ёрдам кенгайтирилмоқда. Жорий йилнинг ўзида соҳага 2 трлн. сўмдан зиёд ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30 фоиз кўп кредит маблағлари ажратилди. Хусусан, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчилар алоҳида рағбатлантирилмоқда.

— Албатта, бугун жамиятимизда инсон манфаатлари биринчи ўринда туради. Шу нуқтани назар

дан тижорат банклари томонидан биз тадбиркорлар учун катта имкониятлар яратилаётганидан мамнунмиз, — дейди Навоий вилоятидаги «Марзияхоним» хусусий корхонаси раҳбари Шафоат Нуруллаева. — 2009 йили Миллий банкдан 300 млн. сўм миқдорда кредит олиб, полиз экинлари етиштириш учун икки гектарли иссиқхона ташкил этдим. Ушбу кредит қисқа муддатда қопланди. Ўтган йили банкдан яна 1,3 млрд. сўм миқдорда кредит олиб, иссиқхонани 10 гектарга кенгайтирдик. Соф фойда 600 млн. сўмга етди. Ҳозирги кунда маҳсулотларнинг 80 фоизи экспортга, 20 фоизи маҳаллий истеъмолчиларга етказиб берилаётди.

Умуман, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ички бозорни тўлдириш учун барча молиявий имкониятлар сафарбар этилмоқда. Буни рақамлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ўтган қисқа давр мобайнида банклар томонидан 7,5 трлн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Бунинг эвазига юзлаб янги корхона, минглаб янги иш ўрни ташкил этилгани, энг муҳими, аҳоли фаровонлиги ошиб, давлат хазинаси бойиб бораётгани эътиборга моликдир.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, опа-сингилларимиз етакчилик қилаётган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам кун тартибидан тушгани йўқ. Кейинги ўн йил давомида ушбу йўналишни кредитлаш ҳажми 32 баробардан кўпроққа ошди. Бошқача айтганда, 1 трлн. 900 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркор аёлларга 587 млн. сўм молиявий кўмак берилди.

— Банкдан 50 млн. сўм кредит



олиб, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эдик. 350 млн. сўмлик қўшимча сармоя эвазига фаолиятимизни янада кенгайтирдик. Ҳозир йиллик товар дастурларига киритилган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштириш олдимида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тижорат банклари томонидан 6581 та лойиҳа учун 884,5 млн. АҚШ доллари миқдорда кредит ажратилди ва натижада 61 минг-

раҳбари Шоирахон Исроилова.

Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин, албатта. 2013-2016 йилларда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштириш олдимида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тижорат банклари томонидан 6581 та лойиҳа учун 884,5 млн. АҚШ доллари миқдорда кредит ажратилди ва натижада 61 минг-

дан зиёд янги иш ўрни яратишга эришилди. Ана шундай имкониятдан фойдаланганлардан бири «Томди файз барака» хусусий корхонаси раҳбари, навоийлик Баҳриддин Сунатовдир.

— «Туронбанк»нинг 700 млн. сўмлик кредити эвазига 4 та юк машинаси ва тош майдалаш цехи ускуналарини сотиб олдим, — дейди у. — Бугунги кунда брусчатка, оҳак ва бошқа хил қурилиш материаллари ишлаб чиқараёلمиз. Маҳаллий хом ашё етарли, шу боис маҳсулот таннархи қimmat эмас. Энг муҳими, 30 киши доимий иш билан таъминланган.

Худди шундай дастур асосида кредит олган, Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган «Хайтек кабел» масъулияти чекланган жамият раҳбари ўринбосари Иброҳим Розиков қуйидагиларни билдирди:

— Корхонамиз 2006 йилда ташкил топган. Бу ерда оптик талаби кабеллар ишлаб чиқарилади. Миллий банкнинг 10 млрд сўмлик кредити ҳисобига хориждан замонавий ишлаб чиқариш технологиясини олиб келиб ўрнатдик. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 24 млрд сўмдан ошди. Маҳсулотнинг 30 фоизи хорижга экспорт қилинди. Коллежлар билан шартнома қилганмиз. Шунга асосан бугунги кунда 400 нафардан ортиқ йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

Табиийки, кейинги йилларда молия муассасаларининг фаолияти такомиллашиб, хизмат маданияти ҳам ошяпти. Айниқса, уларнинг ички ва ташқи бозор ўзгаришларига тез мослашиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу эса давлат ва ҳудудий дастурларга киритилган вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаёпти.

Мана, бир мисол. Жорий йил давомида Қашқадарё вилоятининг sanoat салоҳиятини ривожлантириш дастурига киритилган 434 та лойиҳага 113,9 млн. АҚШ доллари миқдорда кредит ажратилган ва натижада 3000 га яқин янги иш ўрни яратилган.

Умуман, юртимиз банк-молия тизимида ўсиш ва барқарорлик яққол кўзга ташланади. Бу, аввало, мустақиллик туфайлидир. Зеро, барча соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини кенгайтиришга қаратилган амалий савий-ҳаракатлар бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда.

ТАДБИРКОРЛИК

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

«Агар ёшлик орзуси бўлмаганда, инсон бир нуқтада тўхтаб қолган бўларди», дейишди донолар. Чиндан ҳам умрнинг ушбу палласи маънавий камолотга эришишда ҳал қилувчи ўрин тутаети. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ юртимизда ёш авлод вакиллари катта эътибор ва гамхўрлик кўрсатилаётгани ҳам бежиз эмас. Шу боис улар ҳар жабҳада ўрнак ва ташаббускор. Хусусан, кейинги йилларда ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига бўлган қизиқишлари тобора ортиб бормоқда. Бу боралда тижорат банкларининг кўмагини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Қаршилик Исломбек Абдуназаров ёш, тиниб-тинчимас тадбиркорлардан бири. У иқтисодиёт коллежини битиргач, АТИБ «Ипотека банк» Қашқадарё вилоят филиалидан 50,0 млн. сўм кредит олиб, «Косон ҳамкор сервис» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Айни кунга келиб, бу ерда пишиқ гишт ишлаб чиқарилмоқда. — Интилганга толе ёр, — дейди И.Абдуназаров. — Ҳозирги кунда астойдил ҳаракат қилган киши ўз ниятларига эришадди, албатта. Айниқса, ёшлар учун барча йўللар очик. Ўзимиздан қиёс: оёйга 350-400 минг дона пишиқ гишт ишлаб чиқариб, шаҳар ободончилигига ҳисса қўшяёلمиз. Соф фойда 3-3,5 млн. сўмни ташкил этаётди.

Ўз мухбиримиз.

Қутлов

«Навоий ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖ жамоаси

соҳа ходимларини касб байрами муносабати билан самимий қутлайди. Сизнинг фидокорона меҳнатингиз туфайли хонадонларимиз ёруғ ва чароғондир. Ана шу хайрли ишингизда ҳормай-толмай юринг, азизлар!

Бир гуруҳ фермерлар

картошка, бугдой, лавлаги етиштиришдан воз кечиб, тимсоҳлар фермасига асос солдилар.

ЖАҲОН ФЕРМЕРЛАРИ: КИМ ҚАНДАЙ БОЙИГАН?



БАЛИҚ ТЕРИСИ ЧЕВАРЛАРГА АСҚОТДИ

Ингушетиялик балиқчи фермер пул топшининг ўзига хос йўлини ўйлаб топиб, энди чиқиндирни харидоригир маҳсулотга айлантиряпти. Мазлум бўлишича, балиқ териси ва тангачаларидан тайёрланган кийим-кечак, пойабзал ва аксессуарлар тез орада кенг омма эътиборига тушган. Шунинг учун ҳам фермер ушбу бизнес турини янада ривожлантиряпти.



КАРТОШКА ЎРНИГА ТИМСОҲ

Украиналик бир гуруҳ фермерлар картошка, бугдой, лавлаги етиштиришдан воз кечиб, тимсоҳлар фермасига асос солдилар. Севастополдаги тимсоҳ фермаси раҳбари Игорь Подшиваловнинг айтишича, тимсоҳларга илиқ жой ва янги сўйилган товуқ гўшти бўлса бас. Фермадаги 38 та тимсоҳ учун бир кунда атиги 12,5 килограмм товуқ гўшти кетади. Кўпчилик тимсоҳларни очофат деб ҳисоблашлари мумкин. Аммо битта товуқни еган тимсоҳ уч кунгача тўқ юрarkan. Ҳозирги кунда фермани томоша қилиб, тимсоҳлар ҳаётини кузатиш истагида бўлганлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.



МУЛОЙИМ ЙЎЛБАРСЛАР ФЕРМАСИ

Таиланднинг Чонбури ўлкасидаги Си Рач фермаси ноанъанавий хизмат турлари билан сайёҳларни ўзига жалб этмоқда. Гап шундаки, бу фермада чўчқалар, отлар, итлару тимсоҳларгина эмас, балки йўлбарслар ҳам боқилади. Си Рач фермасига ташир буюрган ҳар қандай сайёҳ йўлбарсга овқат бериши, суратга тушиши, боласи билан ўйнаши ва бутилкадан сут ичириб, улар интироқидидаги шоу дастурини томоша қилиши мумкин. Мулойим йўлбарслар эса фермадаги бошқа жониворлар билан тотув яшаб, ташир буюрувчилар кўнглига йўл топяпти. Ферма асосчиси Си Рач Гоннинг таъкидлашича, фермага ташир буюрган бир сайёҳ салкам 150 АҚШ доллари ташлаб кетишини ҳисобга олсак, бу фермадаги даромад манбаи мазлум бўлади.

XASR 2014 йИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОН ЭТМОҚДА

«XXI ASR» фаолияти, партия турмуши ва партиянинг таъин бўлини — БПТлар фаолиятидан лавҳалар, мамлакатимиз ва хорижда рўй бераётган энг сўнгги янгиликлар «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси саҳифаларида

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНК ОАЖ

UZCARD EMV (он-лайн) тизимида фойдаланишга мўлжалланган пластик карточкаларни таклиф этади.

Ушбу пластик карточкалар ёрдамида «SMS-TO'LOV» ва «UZCARD-CLICK» дастурий тизимлари орқали:

- барча коммунал хизматлар, уяли алоқа операторлари, кабель телевидениеси, интернет ва бошқа хизматлар ҳамда товарлар учун тўловларни амалга ошириш;
- банк томонидан сиз учун очилган ҳисоб рақамини бошқариш;
- жисмоний шахслар ўртасида пул ўтказмаларини уяли алоқа телефони ёки интернет тармоғи орқали банк инштирокисиз амалга ошириш мумкин.

Шунингдек, мижозлар учун қуйидаги қулайликлар яратилган:

- тўловларни телефондаги USSD-сўровномаси орқали хоҳлаган телефондан (телефон маркасида қатъи назар) амалга ошириш мумкин;
- мижоз томонидан телефонга ҳеч қандай қўшимча дастурий таъминот ўрнатиш талаб қилинмайди;
- ҳисоб рақам телефонга эмас, балки мижознинг SIM-картасига боғланган, шунинг учун телефон ишламай қолган тақдирда SIM-картани бошқа телефонга ўрнатиб, тўловни амалга ошириш мумкин;
- мижознинг телефонида маблағ етарли бўлмаган ҳолларда ҳам мижоз USSD-сўров орқали тўловни амалга ошириши мумкин;
- мижоз банкка ташир буюрмасдан балансни кўриши, пул билан тўлдириши, тўловларни амалга ошириши ҳамда назорат қилиши мумкин;
- UZCARD EMV (он-лайн) пластик карточкалари орқали тўловларни амалга ошириш бепул ва ҳеч қандай комиссия олинмайди.

«Асака» банк молия хизматлари бозорида Сизнинг ишончли ҳамкорингиздир!

Маълумот учун телефонлар: (8371) 120-82-76, 120-81-90, 120-81-91.

Хизматлар лицензияланган

Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 19-26 декабрь кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгаришдан бўлиб, ҳафта давомида вақти-вақти билан ёмғир (қор) ёгиши. Баъзи жойларга туман тушиши кутуляпти. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 7-12 даража, кундузи 1-6 даража совуққача ўзгариб туради. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқ, 19 декабрда баъзи жойларда 8 даража совуққача, кундузи 2 даража илиққача пасаяди. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси -2+3, кундузи +3-8 даража илиқ, дам олиш кунлари 5 даражага илиқ бўлади. Тошкент вилояти ва пойтахтнингда термометр миллари кечаси 0-5 даража совуқ, 19-21 декабрда эса баъзи жойларда 8 даража совуққача, кундузи 5 даражага илиқ бўлишни кўрсатади. Республикамизнинг шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 1 даража совуқдан 4 даража илиққача кўтарилди. Тоғли жойларда кечаси 10-15 даража, кундузи 0-5 даража совуққача ўзгариб туради.



Реклама

LADA БИЗНЕС

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.

ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.

ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.

ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

Реклама

Автомобили УАЗ

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

УАЗ Patriot (comfort) — пикап

Полноприводный (4x4)

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КИМЁ ҚОРХОНАЛАРИ ОРАСИДА ЕТАҚЧИЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНГАН

«NAVOIYAZOT»
ОШИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ХАРИДОРЛАРГА 60 ДАН ЗИЁД МАҲСУЛОТНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:

- Минерал ўғитлар (аммиакли селитра, азотли-фосфорли ўғит, хлорли аммоний, аммоний сульфати, калий ўғити, техникавий сувли аммиак)
- Кимё ва нефт-кимё саноати (суяқ аммиак, метанол, формалин, сиркали алдегид, суяқ хлор, натрий гипохлорити, акрил кислотаси нитрилли, метилакрилат, хлорли кальций, уротропин, натрий хлориди, ацетон)
- Текстиль учун хом ашё ва текстиль газламоси (полиакрилонитрил нитрон толаси, полиакрилонитрил йигирилган ип, филтёр учун пахтасимон газлама)
- Тоғ-қон ҳамда нефть ва газ саноатлари учун кимёвий реагентлар («Унифлок» воситаси, ПАА-ГС, флокулянти, К-4 полимери, цианли натрий, тиомочевина)
- Кислоталар (истеъмол сирка кислотаси, хлорид кислотаси, ингибирланган хлорид кислотаси)
- Техникавий газлар (пиролитли ацетилен, кислород, аргон, углеводород диоксида, азот)
- Қатрон ва полимерлар (КФ-МТ-15, КФ-Ж маркали карбамидформалдегидли қатронлари, КС-11 маркали карбамид қатрони, акрил эмульсияси)

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навоий-5
Сайт: www.navoiyazot.uz, e-mail: office@navoiyazot.uz, факс: (436)223-75-80

Телефон рақамлари:
Маркетинг бўлими — (436)229-29-99; e-mail: market@navoiyazot.uz
Сотув бўлими — (436)229-25-34; e-mail: sales@navoiyazot.uz
Экспорт бўлими — (436)229-20-54; e-mail: oves@navoiyazot.uz

Маҳсулотлар сертификатланган!